

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА АҚИЗ МАРКАПАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ақиз солиғи тўловларининг тулиқлигини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларнинг ноқонуний келтирилиши, ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1996 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар (пиводан ташқари)ни мажбурий равишда ақиз марказлари билан марказлаш жорий этилиши ва уларни ақиз марказларисиз сотиш тақиқлансин.

2. Ақиз марказлари тизимини жорий этиш бўйича идораларо комиссия таркиби иловога мувофиқ тасдиқлансин.

Идораларо комиссия тегишли идораларнинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда бир ҳафта муддатда мажбурий равишда марказлаштириш керак бўлган ватанимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликларнинг рўйхатга олиш тартиби ва муддатини ишлаб чиқин ва тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: «Гознак» давлат ишлаб чиқариш биросмаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар учун ақиз марказлари намуналарини ишлаб чиқин ҳамда уларнинг номинал қийматини белгиласин ва тасдиқлаш учун идораларо комиссия тақдим этсин;

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ақиз марказларини жорий этишга тайёргарлик кўришининг ташкилий-техник масалаларини ўз вақтида ҳал этиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 10 августгача «Гознак» давлат ишлаб чиқариш фабрикасида Давлат солиқ қўмитаси тақдим этган бюуртномалар ҳажмида ақиз марказлари тайёрлашни ташкил этсин; «Пахта-банк» ақиз марказларини сақлаш ва бериш учун валютали банк этиб белгилансин; Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси икки ҳафта муддатда ақиз марказларини савлаш ва белгилаш тартибда бериш учун «Пахта-банк» билан шартнома тўзсин;

«Ўздавстандарт» маркази бир ҳафта муддатда тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларнинг стандартларига уларни ақиз марказлари билан марказлашга оид ўзгартиришлар киритсин;

«Ўзметсабзавотузошмасано» уюшмаси, «ЎзБАТ» акционерлик жамияти, Ўзбекистон Республи-

каси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 1996 йил 1 сентябргача тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар тайёрлаш корхоналарида, шунингдек, божхона омборларида ақиз марказларини елимловчи махсус асбоб-ускуна сотиб олинсин ва ўрнатилсин. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси ушбу мақсадлар учун зарур бўлган маблағларни конвертация қилиш масаласини белгиланган тартибда қўриб чиқин ва ҳал қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: республика бюджетиде божхона хизматларини тегишли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун зарур маблағларни назарда тўзсин;

Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабатига билан амалдаги қонунчиликка ва ақиз тартиби ҳисобиде ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақдирлар тайёрласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларнинг вақтинча сақлаш ҳамда марказлаш учун божхона омборлари тармоғини кенгайтирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мехнатда фидойилар

РАВОН ЙЎЛ БУНЁДКОРЛАРИ

Эски шаҳар кўчалари-дан ўсангиз йўлларнинг текислиги ва ётқизилган ихчам бетонлари кўриб кўзингиз қувонади, дилнингиз яйрайди. Бу бетонларнинг шакли ҳам, кўриниши ҳам ажралиб туради. Ушбу маҳсулотлар Кўйлик тажриба-бетон заводи ишчи-хизматчилари томонидан ишлаб чиқарилиб, улар Тошкентнинг Эски шаҳар қисминини қайта қуриш ва таъмирлаш ишларида ишлатилмоқда.

—Биз кўпроқ йирик ускуналар, яъни 6, 9, 12, 15 метрлик кўприк ускуналари ишлаб чиқарамиз, — дейди завод директори Баҳодир Шогазатов. — Жамоамизда 375 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Авваллари бир хилдаги темирбетон ускуналарни тайёрлардик. Эски шаҳарни қайта қуриш ва таъмирлаш борасидаги ишлар бошланган қундан бери бу хайрли ишда ўз қисмини қўшишга ҳаракат қилдик. Ҳозирги кунда энг аввало йўловчилар юрадиган йўллар учун бетон маҳсулотлари етказиб берамиз. Маҳсулотларимизнинг асосий қисми Форобий ва Сағбон кўчаларига ётқизилди.

Айни кунларда ёй шаклидаги бетон ариқчалар тайёрлашга киришдик. Бу ариқчалар ва бошқа бетон маҳсулотларига ишлатиладиган металлари авваллари Россия Федерациясидан олиб келардик. Ҳозир эса Бекбоғдаги металл корхонасидан олаё-

либ, бугунги кунда ундан тулиқ фойдаланилапти. Заводимизга қарашли 70 ўринли боғча ва ёғиз лагеримизда болаларимиз мириқиб хордиқ чиқаришмоқда.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги олдида ишчиларимизга Юнусовд даҳасидан 48 хондонга мўлжалланган ўй-жой қурилмоқда. Умуман олганда шаҳримиздаги катта бунёдкорлик ишларида, ободонлаштиришда корхонамизнинг ҳам муносиб улushi борлигидан фخرланамиз.

Гульзола МАМБЕТОВА, СУРАТЛАРДА: тайёр бўлган бетон кўприклар жўнатишга ҳозирланмоқда (пастда). Уни кўприк қрани ёрдамида Усов Умаров маҳорат билан жойлаштиради.

Рашид Галиев олган суратлар.



Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июлдаги қарорига ИЛОВА

АҚИЗ МАРКАПАРНИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ИДОРАПАРАРО КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- Ҳамидов Б. С.** — Бош вазир ўринбосари, молия вазири — комиссия раҳбари
Усмонов М. З. — Бош вазир ўринбосари
Гатауллин Ш. К. — Давлат солиқ қўмитаси раиси
Қуролов М. Я. — Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Каримов Р. К. — Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудири
Файзиев З. О. — «Ўзбексавдо» давлат уюшмасининг раиси
Бурхонов Ф. Ж. — «Ўзбекбирлашув» раиси
- Носиров Б. Н.** — «Ўзметсабзавотузошмасано» уюшмаси раиси
Сайфуддинов Ж. Б. — «Пахта-банк» раиси
Абдуллаев Ш. Ю. — Молия вазирининг ўринбосари
Юнусов Х. М. — Марказий банк раисининг ўринбосари
Сайдазова Р. А. — «Ўздавстандарт» маркази директорининг ўринбосари
Голишева И. Х. — Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи
Абдуллаев Ж. Х. — Давлат солиқ қўмитасининг бошқарма бошлиғи
Мирганиев Ш. — Бош божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Худойқулов С. Х. — Марказий банк хузуридаги «Гознак» ишлаб чиқариш биросмасининг бош директори
Махмудова Г. А. — «ЎзБАТ» акционерлик жамиятининг департамент бошлиғи
Икромов Р. А. — Ташкилот ишлари бўлиғи бошлиғи
Берекетов Т. — Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи.

«ОЛТИН МЕРОС»НИНГ ШАҲАР БЎЛИМИ

Шажримиздаги кўхна Абулқосим мадрасасида Ўзбекистон тарихий-маданият мероси «Едгорлик» жамияти Тошкент шаҳар кенгашининг таъсис пленуми бўлиб ўтди.

Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимизни сақлаш ва таъмирлаш ишларини ривожлантиришга янгидан-янги иқтидорлар очилмоқда. Бу хайрли йўлда халқро «Олтин мерос» жамияти аъзоларининг фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир. Унинг асосий мақсади мамлакатимиз ва мамлакатимиздан ташқарида тарқалган миллий қадриятларимиз, маданият меросини ўрганиб, улуг мутафаккирлар, алломалар томонидан ёзилган дурдона тарихий асарлар, турли қўлёзмалар, яратилган ноқадрият санъат асарлари, ҳунармандчилик буюкларини намуналарни, ҳалқ аниқлик беизак санъати турлари, хали кўнгликка маълум бўлмаган ёдкорлик обиддаларини қўриб олиш ва таъмирлашдан иборат.

Жамғарма миллатимизнинг қўриққонил маданият ва тарихий меросини ўрганиб бориш мубайнида миллий қадриятларимиз музейи ва ўз миллий кутубхонамизни ташкил

«БУЛОҚЧА»ДАН ЧИҚҚАН ИСТЕЪДОД

«Тошқўрғон» хўсасдорлик жамиятининг маданият саройи кўргазмалар залда ўзига хос суратлар кўргазмаси очилди. Ундан ака-ука 11 ёшли Владимир ва 8 ёшли Василий Источниковларнинг 100 дан ортиқ ижодий ишлари ўрин олган.

Бу иш ҳоддорлар маданият саройи қошида ташкил этилган «Булоқча» номли намунали болалар тасвирий санъат студиясининг қатнашчиларидир.

Владимир мўйқаламга мансуб «Қушлар ўйнади», «Абдулла ва дангасалар», «Тунги қўнғир», «Балчиқлар қишлоғи», «Чўлдаги қарсон», «Африкалик оғиллар», «Хазина изловчилар» ва бошқа расмлар ҳамда ёш бўлишига қарамай Василий томонидан қизилган расмлар кўпчилигининг диққатини ўзига тортмоқда. Жажжи мусавирлар томонидан яратилган бу санъат асарларининг

1996 йил — Амир Темур йили

ОҚСАРОЙНИ НУРАФШОН ЭТАДИ

Соҳибқирон Амир Темур таълиқининг 660 йиллиги муносабати билан юртимиз шаҳарларида бобоқалонимиз қурдирган ва назар этган обиддаларни тиклаш ҳамда таъмирлаш ишлари айна кунларда қизгин бормоқда. Ушбу хайрли ишда кўплаб корхоналар қаторида «Ўзэлектроаппарат» жамоаси ҳам бахали-қудрат қисса қўшишга қарор қилди. Улар асосан соҳибқирон туғилган юрт — Шаҳрисабздаги Оқсарой тирофида бунёд этилаётган хибобони ободонлаштиришга ўз улшларини қўшиш ниятидандир. Шу мақсадда корхонада шакл жиҳатидан ўрта асрлардаги миллий чироқларни аслатувчи ёриткичлар, қў-

кам ўриндиқлар ва бошқа жиҳозларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Ушбу жиҳозлар кўхна шаҳардаги яна 14 та меъморчилик обиддасига ўзгача кўркамлик бахш этади.

Қилинажак ишларнинг қўламани аниқлаш учун корхонадан 6 нафар муҳандис Шаҳрисабзга бориб келди. Ушбу ўзига хос сафарга корхона атрофидаги маҳалларда яшовчи кексалардан 20 нафари ҳам тақдир этилди. Буюк Соҳибқирон юртини зиёрат қилган кекса фахрийларнинг диллари шод бўлди.

Ботир ҲАСАНОВ.

ЯКУНИЙ БОСҚИЧДА

артист Муҳаммадали Абдуқудусов ана шу гуруҳининг раиси этиб тайинланди. Биз у билан амалга ошириладиган ишлар юзасидан сўхбатлашдик.

—Вилоятларда, вазирликларда, пойтахтимизда қўшиқлар кўрик-танловининг голиблари аниқланди. Шу билан бирга профессионал жамоалар, хонандалар орасида республика кўрик-танловида иштирок этадиганлар ҳам аниқ бўлди. Вилоятларга кўриқни назардан ўтказиш мақсадида таниқли бастакорлар сафарга этилди. Масалан, Рустам Абдуллаев Қорақалпоғистонга, Шавкат Мирзаев Сурхон-

дарёга, Дилором Омонуллоева Самарқанд, Абдуқошим Исмоилов Фарғона вилоятига юборилди. Ҳозир кўриқ-танлов иштирокчилари учун меҳмонхоналар тайёрланяпти. Озиқ-овқат, транспорт билан таъминлаш, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат, корхоналарда учрашувлар ўтказиш каби барча ташкилий масалаларни кўнгилдагидек ҳал этиш керак. Бу борада ташкилий қўмита, ҳайъат аъзолари, вазирликнинг ишчи гуруҳи барча юмушларни амалга оширмоқда.

Кўрик-танловнинг энг сўнги босқичининг тантанали

Маданият масканларида

асосий маъноси табиат фаёслиги, дўстлик, Она-Ватан гўаллиқлари, беғубор болалар, эртак ҳаётнамалари бўлиб, уларда асосан ёшларга қарши ҳаёт, табиат гўаллиқларига мўҳаббат, дўстликка сўхбат, ота-онга нисбатан чекира меҳр туйғулари акс эттирилган.

Кўргазмани ташкил қилишда мақсад иштирокчи ёш ўқувчиларнинг маҳоратини кўрсатишдир. Владимир ва Василий Источниковлар каби истеъдодли ёшлар кўп. Вари Белоқч, Наташа Борисова, Шахно Аҳмедова, Шухрат Убайдуллаев, Наташа Машина ва бошқалар ҳам студияда айна йиллардан бери шуғулланишди. Улар ҳам ўз вақтида кўргазмалар ташкил этиб, муҳлисан олқашига сазовор бўлишган эди.

Кўргазма залини айланган эканисиз, бўлажак ёш расмларнинг замонавий воқеадан тугулган тавассутолари образли тасвирларда кўрсатишга интилишларини сезиш мумкин.

Дамира ЗОИРОВА

Теннис

МАЙДОНДА — УМИДЛИ ЁШЛАР

«Юнусовд» спорт-соғломлаштириш мажмуасининг теннис кортларида беш кун давомида ушбу мажмуанинг соҳибқирон Амир Темур таълиқининг 660 йиллигига бағишланган теннис оқиб биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда шажримизнинг «Буревестник», «Искра», «Динамо», «Мехнат», «Пахтакор» каби спорт клубларининг ёш теннисчилари ўзаро беллашилди. Дастлаб 96 нафар теннисчи болалар бешта ёш тоифасига бўлинган ҳолда саралаш баҳсларини ўтказишди.

Николай, ишқибозлар билан тулган Марказий кортда қизикarli финал учрашувлари ўтказилганидан сўй қуйидаги умидли, ёш ракетка устали голиблар шохсулпаннинг энг юқори поғонасидан жой олишди. 1982—1983 йилларда тутилган қизлар ўртасида Клодуз Дўстова, 1983 йилда тутилган ва ундан ёш қизлар баҳсида Варавара Лепченколарга тенг келадиганлар топилмади. 1984—86 йилларда тутилган ўғил болалар ўртасида Илдар Галимов, 12—14 ёшлар қурашида Мурод Маҳмадқодиров, 1980—82 йиллар баҳсида Дмитрий Валловлар зафар қўнишди.

Турнир сўнггида барча голиблар ва совриндорларга муСОБАқа хомиллари — «Баваури» фирмаси, «Юнусовд» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳамда туман ҳокимлигининг махсус совгалари топширилди.

Назкат УСМОНОВА. Дилмурод ИСМОИЛОВ.



Бу ерда ярим тунда ҳам ҳаёт қайнади. Йилнинг қайси фаслини олманг қадок кўли усталар, чаптаст ҳайдовчилар аҳолига такси хизматини яхшилаш йўлида изланишади.

Хизматдан мамнунмисиз?

МАНЗИЛНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАНЛАР

Ҳўш, гап бу ерда қайси корхона ҳусусида бормоқда, деб ўйларсиз, албатта. Гап шахримиздаги 1-такси саройи тўғрисида.

Бундан 45 йил муқаддам Ўзбекистон тарихида биринчи марта азим шахримизнинг Буюк ипақ йўли кўчасида 1-такси корхонаси аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади. Таксиларнинг шахримиз кўчаларида пайдо бўлиши катта қувонч билан қўб олинди. Кўнлар ўтиши билан транспорт саройи ҳам энгина, ҳам бўйига кенгайиб унга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб борди. 2, 3, 5, 6, 7-такси автокорхоналари шу бош корхона томирдан малакали кадрларни олиб, моддий-техника базасини яратдилар.

Корхона ривожланиб, бундан 30 йил аввал 1-Қорақамиш мавзесида қад кўтарган янги саройга кўчиб ўтди. Ҳозирда корхонада жами 397 та машина бўлиб, шулардан 24 таси «Дагил», 41 таси «РАФ», 120 таси енгил такси машинаси. «РАФ» русулийи машиналар 4, 9, 8, 19-такси йўналишларида ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатапти.

Корхонада кадрлар тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиб ишлатиш азалдан улам. Утган йили 200 кишига машина бошқариш ҳуқуқи берилди. Бу йил 300 та ёш ҳайдовчи кадрларни тайёрлаш режалаштирилди.

Машинанинг ҳам ўз «уста»лари бўлади. Булар 120 та таъмирловчи-чилангарлардир. Улар 3 та бригадга бўлиниб, касб маҳоратларини ошириб келмоқдалар. Ҳар касбининг фидокорлари Акмал Икромов, Рустамқул Эгамбердиевлар таъмирлаш сифати ва самарадорлигини оширишда ибрат бўлишапти.

Тунги сменада 26 та таъмирчи чилангарлар пешона тер тўкади. Иброҳим Иноғомов, Комол Тошқужаев, Солиқ Содиков, Жўра Ҳожимуродов, Владимир Зайцев, Ботир Тулағановлар корхона ички имкониятларидан унумли фойдаланиб, бир кунда 10—12 та машинани сифатли таъмирламоқдалар. Бунинг устига 30 та машина ҳам 1 ва 2-техник хизмат кўригидида ўтапти. Таъмирловчилар бой таъмирбаларини ёшларга сиқидилдан ўргатмоқдалар.

Эҳтиёт қисмларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш учун катта таъмир ва илмий техника мавжудлиги сир эмас. Невматилла Раҳматиллаев етакчилигидаги бир гурӯҳ ихтирочилар доим изланишади. Мухтор Фахриддинов, Мурод Муслимовлар яратган ихтиролар мустаҳкам ва қулайлиги билан ажралиб туради. В. Зайцев яратган янгилек яқинда ҳаётга таъдиқ этилди. Ихтирочилар Э. Хабибуллин 20 минг, С. Содиков эса корхонага 15 минг сўм фойда келтиришди.

Ҳар бир корхона жамоаси ўз маъналияга эга. Аҳмаджон Қосимов, Равайн Шотўлғанов каби хатарсиз юрвчи усталар олдига режаларини ортиги билан баъжарибгина қолмай, ҳар ойда кўлаб ёнилни тешашга ҳам муваффақ бўлишапти. Муҳаммадjon Саутов, Йўлдош Мираҳмедов, Неймат Холматовларнинг меҳнат тақвимларида август ойи бошланганлиги қувончли ҳолдир.

Автокорхонада 14 та миллат вакиллари ҳамжihatликда меҳнат қилишади.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

Шахсий фикр

ЭЗГУЛИК ЯРАТАЙЛИК

Ёз чиласи. Кун қизгандан қизиб бормоқда. Троллейбусда одам сийрак. Куннинг иссиқлигини йўловчилар бедор, иш, уй рўзгор ташвишидан толиққан.

Бир-бир ўтирганларга разм солиб, барчанинг кўзида хоринлик акс этаётганини пайқадим... Троллейбус «фи-й-й» этиб, навбатдаги бекатда тўхтади. Йўловчилар тез-тез тушиб ўз манзиллари томон ошиқмоқдалар. Шу пайт:

— Эй, оғайни, нечтага тўладингиз? — деган ҳайдовчининг хитоби эшитилди.

Олд эшикдан тушган йигит ортига қайрилиб:

— Иккитага тўладим, — деди.

— Бўлмасам, қўлимни олмайсизми, учтага тўлаб кетяйсизми?!

— Э-э, раҳмат ака...

...Иссиқдан маънос торган чехрамда табассум акс этди. Шу тобда турмуш ташвиши, иқтисодий масалалар авж олган бир паллада кишилар қалбидан инсонийлик ҳисси ўчмаганлигига ишонч ҳосил қилган.

Ўз иймонини, ўз виждон-у эътиқодини унутмаганлар ҳар қандай бодлигидан қувондим. Бояги ҳайдовчи «арзимаган» олти сўми ўз эгасига қайтармаслиги ҳам мумкин эди. Шошган йўловчи бунга эътибор ҳам бермади. Ҳаётимизни янада яхшилаш, фаровон қилиш учун эзгулик, яхшилик, ҳалоллик, поклик каби ҳислатлар мужассам бўлган яхшилар керак. Яхшилар-у яхшилик бўлиши учун кишилар ўртасидаги оддий муносабатлар ҳам самимий бўлиши зарур. Ҳаётимизнинг ҳар бир кунинда, ҳар дақиқасида атрофимиздаги бир билан аҳил бўлишимиз, ҳар ишда бир-биримизга мададкор бўлишимиз, қўлаб-қувватлашимиз керак. Оддийгина дўстона муносабатларимизда ҳам эзгулик яратишимиз керак.

Сурайё АҲМАДЖОНОВА.



Собир Раҳимов туманида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг кадрлар бўлими ходимлари учун халқ университети ташкил этилган. Бу ерда ҳозирда 100 дан ортиқ жойлардан келган ходимлар пенсиялар ҳақидаги қонунга тузатиш амал қилишни ўрганишмоқда.

СУРАТДА: туман ижтимоий таъминот бўлими мудирининг уринбосари Мунира Мирзаалиева навбатдаги машғулотида ўтказмоқда.

Равил Альбеков олган сурат.

Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик муносабатлари кўп йилдан буюн давом этиб келади. 1975 йилда япон ёғоч гравюраси билан шуғулланган расм Утанова Тойқун Ўзбекистон Давлат санъат музейида кўргазма очиб, Япония ҳаёти акс этган ажойиб тасвирларни совга этиб кетган. Ўзбекистон мустақиллигининг бешинчи йили нишонлаши арафасида замонавий япон кулчиликчи намуналарининг совга этилиши музей жамоаси ва санъат мухлисларини янада хушнуд этди.

Ўзбекистон ва ҲАЖОН

СОВГА ҚИЛИНГАН КЎРГАЗМА

Кўргазмада олтишга яқин ҳозирги замон япон сопол буюмлари намойиш этилаётди. Булар япон халқ ҳунармандчилиги маскани ҳисобланмиш Хутани вилоти кулларининг ишларидир. Улар ҳозирги замона мослаб аънавий услуб, мумтоз халқ санъати йўлидан боришган. Турли сопол ишларда қўлланган содаллик, табиий покизлик томонлари ўз аксини топган, оммабоп жанрлардан бири «Гуллар ва қўшлар» тасвирларидан фойдаланишган. Шу услубларда Хитой усталарининг чиннисозликдаги қадимий дўстлик, ҳамкорликлари сезилиб турибди. Шунга қарамай япон усталари ўзларининг миллий аънавларини сақлаб қолишган. Бунга Китамура Такаси, Миямото Наоки, Накаде Кингеку, Араки Сабури, Ямагиси Тайсей, Ситамири Рихейларнинг худди чинини эслатувчи ўта нафис ва беҳирим ишланган «Исирикдон»ларида кўриш мумкин. Уларда кизил, қўқ, зарҳал ранглар ишлатилган ва ниҳоятда ихчам, завқ оладиган даражада яратилган. Шақлан

Маҳмуд РАМАЗОН ўғли.

Маънавий маданиятимиз ва қадриятимизнинг бизга ва бизнинг авлодларимизга жуда кўп бехисоб нодир битиклари бор.

Нуктаи назар

ҲАЁТИМИЗ БЕЗАГИ

Ҳадиси шариф, ҳикматлар ёзиб қолдирган ат-Термизий, ал-Бухорий, Рабуъуннӣ, Кошиф ва Юсуф Хоким, Алишер Навоий меросидан биз таълим-тарбияга оид, оила тотувлиги ва меҳр-муруват, оқибатга доир нодир саҳифаларни ўрганмоқдамиз. Ҳозирги даврда айниқса Амир Темури битикларида аёллар ҳақида, уларни ёзозлаш, келин танлаш ҳақидаги янги маълумотларни ўқимокдамиз.

«Бандаларим ҳаётлик чоғларида одамлар билан қандай муомалада бўлсалар, охирида мен ҳам уларга худди шундай муомалада бўламан» дер эканлар Аллоҳ Таоло.

Бу сўзларни шубҳасиз, ҳар биримиз доимо ёдда тутмоғимиз зарур. Айниқса, келинчақлар атрофимиздаги, жумладан қайинбуйинларимизга қанчалар ширин сўз, меҳрибон бўлсақ, уларни рози этолсақ келгусида ўз фарзандларимиздан бундан ҳам аълороқ иззат-икром кўришимиз мукяррарлигини унутмаслигимиз лозим.

«Қайнонали келин қарқара келин, қайнонасиз келин масҳара келин» дейишади. Чинданам бу гапда жон бор. Келинларининг камчилигини яшириб, ютугини ошириб, билмаганларини кенг юраклик, мулоимлик билан ўргатадиган меҳрибон қайноналар кўплаб топилди.

Тўғри, инсон турли кайфиятда бўлади. Айниқса, биз аёлларнинг кайфияти жуда ўзгарувчан. Қайнонанинг қошлари чимирилиб, жаҳаллари чиққанда қандай йўл тутиш керак? Жаҳлга жаҳл билан жавоб берасизми? Ёки ширин табассумингиз билан енга-сизми?

Мулоимлик ва босиқлик доимо ўзбек аёлининг энг гўзал фазилатларидан бўлиб қолмоғи керак. Зеро, Ҳадиси Шарифда: «Сенда тангрига ва унинг расулига маъқул ва маҳбуб икки ҳислат бор. Улар мулоимлик ва оғирликдир» дейилади.

Кизлардон! Сиз балоғат ёшига етиб, келинлик либосини кийишга шайланиб турибсиз. «Келинлик — Бедилни ўқидан ҳам мушқулроқ» деб бежиз айтишмаган. Агар сўрайдиган бўлсақ, кизлардон, келинлик бурчингизни, масъулиятини қандай тасаввур этасиз? Айтишларича, кизларимиз боқарлик чоғларида худодан нима сўрасалар бажо бўлар экан! Қайнонанинг қандай аёл бўлишини истайсиз?

Эр йигитга баянда, адл бўй берил, Баянда бўйига монанд, мағрур уй берил, Кўп ризқ берма қозонига, майлига, Аммо оқил бекаси бор уй бер.

гил, — дейди халқимиз.

Аёллар оилада тотув яшасалар, қайнона-келин муаммолари бўлмаса, жамиятда фарзандлар баркамол ўсади. Ажралиш, болалар тирик етим бўлмайди. Тотув, аҳил яшайдиган оила соҳибалари ўз таърибалари билан ўртоқлашадилар. Келишолмай, уруш-жанжал орқали жамиятимизга док бўладиганларга йўл-йўриқлар кўрсатиб, таърибаларидан сўзлаб берадилар.

Бинобарин, турмуш оиланики, одоби эса жамиятники. Абдулла Қодирийнинг сеvimли қаҳрамони Кумуш каби гўзал, хулқи чиройли, муомала маданияти юксак бўлишини қайнона, қайноналар орзу қилмайди дейсизми? Кўзга тик боқиб эмас, ерга қараб, гапларига оро бериб сўзловчи келинни ким орзу қилмайди!

Қайнона-келин муаммоси жуда қадимгидир. Фақатгина Турон мамлақати тарихида қайнона-келинлар бир қозондан овқат ейдилар. Қариялар ўғилларини уйлик-жойлик қилиб, ўз бағриларида бўлишини орзу қилганлар. Шароит кўтарган хонадонларда ҳаммалари бир жойда яшаганлар. Ҳозир эса ёшлар, тезроқ мустақил оила, алоҳида рўзгорлик бўлишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолганлар. Қайнона-келин ўртасида меҳр-оқибат аста-секин кўтарилиб бораётганга ўхшайди. Хатто ўғиллар вақт топиб, ўз оналарини бир бориб кўришга, уларни бирор тансиқор нарса билан сийлашга вақт тополмай қолдилар. Баъзи келинларга эса топармон-турармон эрлари яхши, эрининг онаси — қайнона эса...

Маҳалла, туманларда ўрناق бўладиган қайнона-келинлар, ёш ниҳолни келин қилиб олган, келинни ўз қизларидек ардоқлаб, уларга дилларидан рўзгор ишлариде кўмак бериб борган, ишга, ўқишга борганда, рўзгоридан хабардор бўладиган қайнона — чин оналар озмунчами? Келин олиб ҳамма ишни унинг бўйига қўйиб қўядиган, келин хизматини рўқач қиладиган қайноналарга инсоф тилашдан ўзга иложим йўқ.

Урталарида кўнгли дарз кетган, бир-бирларига илиқ гапни раво кўрмайдиган, бир хонадонда турсалар ҳам бегона бўлиб яшайдиган қайнона-келинлар яхшилаб ўйлаб кўришимиз. Шунда мурғак фарзандларимиз ота-она меҳридан жудо бўлмасмиди-лар.

Ҳаё билан гўзал аёллар, Гўзал рўйи азал аёллар, Азал лутфи асал аёллар, Ҳаётимиз бекар аёллар.

Азизахон ЗАЙНУТДИНОВА, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров билан суҳбатимизнинг унинг лирик кўшиқчи сифатида камол топиши хусусидаги саволга қайтарган жавоби билан бошланди.

— Жуда кўпчилик «Санъаткор бўлишимга дадам сабаб ёки онам сабаб, тоғам сабаб бўлган», дейишади. Мен бунгака дейишдан йирқиман, — дейди Нуриддин Ҳайдаров. — Чунки деҳқон оиласида туғилиб ўсганман. Қуванинг Акбаробод деган кишлоғини эшитганмисиз? Жуда қадимий қўлабларда ҳам унинг номи учрайди. Қадим қишлоқда ўзи ҳам. Шу қишлоқдаги Алишер Навоий номи жамоа ҳўжалиги тўпроқ кўчаларида изларим қолган. Отам Усмон Ҳайдаров колхозчи эдилар.

Болалигимда ҳадеб рубоб олиб беринг деб хархаша қилаверардим. Отам ҳар сафар келгуси жамоада албатта олиб бераман деб ваъда бераверардилар. Охири гузардаги дўконга рубоб келибди деб эшитиб қолдим. Отам олиб бергану хархашадан қутулган.

Чалишни ўрганиб олиб, ўша пайтда машур бўлган қўшиқларни ижро этардим. «Азиз Ватаним», «Дуцава», «Лайло», айниқса, тилимдан ҳеч тўхмасди. Болалиқда қанча янги ашула эшитсам шуни оҳангга солиб, ашулага тақлид қилиб айтаверардим. Кейинчалик аста-секин ўзимнинг қўшиқларини ярата бошладим. «Дулана»ни ижро этганимдан жуда севианам. У шунчалар машур бўлади деб ўйламаган эдим. Кейин «Аразлама», «Алдама», «Юр, муҳаббат» сингари қўшиқларим шинавандаларга манзур бўлди. Бу ўз-ўзимга ишончини мустаҳкамлади, илҳомлантirdи.

— Сиз бастакор Анор Назаров билан бирга кўп ишлайсиз...

— Анор ака истеъдодли, таъби нозик бастакор. У кўп басталаган қўшиқлар мукамал гулдастага ўхшайди. — Анор Назаровнинг ихлосмандлари жуда кўпи. Лекин сиз лирик қўшиқлар устаси бўлсангиз, Анор ака эстрадага мойилроқ.

— Биз эстрада жанрида кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Энг

лади. Гоҳида эса аксинча. Ижро ҳам, матн ҳам зўр бўлса ажойиб кўшиқ дунёга келади. Яхши кўшиқ абадий яшаб қолади.

— Урни келиб қолди, кўшиқчилигимиз ҳақида ўз фикрларингизни билдирсангиз...

— Қўшиқчилигимизнинг парвози жуда ҳам баянда. Албатта бир-икки тиш-

Сиз кутган учрашув

ЯХШИ КЎШИҚНИНГ УМРИ

муҳими эстрадани тўғри талқин этадиганларнинг бири ҳам Анор Назаровдир. У билан бирга яратган «Кечиргил», «Садага» сингари қўшиқларимиздан тингловчилар хали ҳам мамнун.

— Умуман яратган, ижро этган қўшиқларингиздан қайси биларини энг яхши деб санайсиз?

— Юзлаб қўшиқлар яратдим. Лекин мен бу яхши, бу ёмон деб, бу ўртақаси деб ажрата олмайман. Сабаби, шундай десам ёмонини ижро этмаслигим керак эди. Лекин сўрадингиз, «Учрадим», «Ширин», «Фарғонада биттагина», «Оролим» каби қўшиқларимни айрича завқ билан ижро этаман. Умуман хонанданинг, бастакорнинг вазифаси яхши кўшиқ яратиш. Гоҳида матн яхши, ижро бундайроқ бў-

га тегадиган томонлари ҳам бор. Биласиз, ўзбек миллий қўшиқчилигининг ўзига хос бетакор томонлари мавжуд. Бунга кўпинча унутиб қўямиз. Ажойиб матнларга хоржий мушиқларни танлаш ҳоллари учраб турибди. Бу бугун ёққанларга ёқар, лекин уларнинг умри қисқа. Мен миллий қўшиқчилигимиз бузилмаса, унинг аънавий ижрочилиги барчамизга, хусусан ёшларга мезон бўлса, дейман. Миллий мушиқамиз оҳангининг ўзи бир мактаб бўлулик. Ёш санъаткорлар, хонандалар миллий, мумтоз қўшиқларимизни севиб ижро этмаса барча қатори мен ҳам мамнун бўлардим.

— Узингиз кўпроқ қайси шoirларнинг шеърларини ижро этасиз?

— Қўшиқ ҳамиша ҳамроҳ бўлсин севилик газетамиз мухлисларига. Насиб этса, энг яхши қўшиқларимни оқшомконлар учун қўйлайман.

Суҳбатдош Темура УБАЙДУЛЛО.

Шеърӣ лаҳзалар

ЯНА ТОНГ

Дўстим, қара, олам гузал, Яна тонг отмоқдадур. Тонгдан ким ҳаракатда, Ким ҳали етмоқдадур. Меҳнати-ла одамлар Орауға етмоқдадур. Тонг сахардан кимлардир «Шароб»дан тотмоқдадур. Бир кимса дилин чоғлаб, Гуноҳга ботмоқдадур, Баъзилар дуст тўтиб ўзини, Орқандан сотмоқдадур.

ДАШНОМ

Икки қўшни ер талашди, Ер талашди эрта-кеч. Жанжал тамом бўлмас эди, Тамом бўлмас эди ҳеч. Шунда ер-чи, ҳайрон эди, Ҳайрон эди шу даялар: Нега энди мени дая, Жанжал қилур одамлар?

Тилга кирди ушанда ер:

— Бас қилингиз, булди, дер. Жанжалнингиз қуп қўзилди, Сабр қолсам тулди, дер. Гавго қилман беҳудуга, Мен сизники эмасман, Аслида сиз меникисиз, Мен ундайин демасман. Менда яшар инсон ўзи, Мендур уни буювчи. Ҳаёт деган дошқозоннинг, Тагига ўт кувчи. Сиздайларнинг қупидан мен, Қолгандурман, қоламан.

Фурсат келиб сизларни ҳам,

Уйку сени адо қилади, Ешлигиндан хору-аборлаб, Охир бориб гадо қилади. Бу ланж ҳаёт сени билгинки...

НАСИҲАТ

Дусту ердан жудо қилади. Ешман, дея бераво бўлган, Сизлар энди ташланглар. Ўйнаб-қулиб, аҳил-инок, Қувонч билан ишанглар.

Дусту ердан жудо қилади.

Ешман, дея бераво бўлган, Сизлар энди ташланглар. Ўйнаб-қулиб, аҳил-инок, Қувонч билан ишанглар. Тугишган ҳам «жафоро» қилади, Мард йигитлар элим, юртим, деб, Ватанга жон фидо қилади. Меҳнат қилсанг, яратган эгам, Ризқинг сени ато қилади. Хусан АҲМЕДОВ.

